

Доктор Ҳамид «Қуръон» ва «Саҳиҳул Бухорий»ни корейс тилига таржима қилган биринчи корейсдир



15:21 / 27.12.2021 1864

Асли корейс бўлган доктор Ҳамид Чой Ёнг Кил «Қуръон» ва «Саҳиҳул Бухорий»ни корейс тилига биринчи марта таржима қилган мусулмондир.

Доктор Ҳамидга ушбу муборак китобларни таржима қилиш учун тахминан етти йил керак бўлди.

У Жанубий Кореядаги университетда исломшунослик фанидан ҳамда араб тилидан дарс беради, шунингдек, кучли воиз ҳамдир.

Унинг корейс тилига таржима қилган асарлари ва Саҳиҳул Бухорий илмий фаолиятининг бир қисмидир. Доктор Ҳамид мустақил равишда 90 дан ортиқ китобларни таржима қилган.